

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМАТОВ БОҶИЖОН ҚЎЧҚАРОВИЧ

КОМПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари 5140900 – «Касбий таълим»
бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун
ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2007

Тақризчилар: профессор С.С. Булатов;
Ўзбекистон Бадий Академияси академиги,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
профессор С.А. Абдуллаев

Холматов Б.К.

Композиция. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Б.К. Холматов;
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-
MOLIYA», 2007. – 60 б.

Мазкур ўқув қўлланмада наққошлик санъатида композициянинг тутган ўрни, якка ва қўш бандли нақш композициялар тузиш, уй рўзгор буюмларига нақш композиция тузиш, бино интерьер ва экстерьерларига композиция чизиш ва бошқа мавзулар назарий ва амалий йўллар билан кўрсатилади.

Қўлланма педагогика университетларининг бадий графика факультети бакалавр йўналишидан: “Композиция” фани дастури асосида ёзилган бўлиб, у шу йўналишдаги талабалар ва касб хунар – коллежи ўқувчилари ҳамда махсус шуғилланувчилар учун ҳам мўлжалланган.

© «IQTISOD-MOLIYA», 2007
© П. Қодирхўжаев, 2007

Сўз боши

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг таркибий қисмини ташкил этувчи наққошлик ўзининг қадимийлиги, гўзаллиги билан кишилар калбидан чуқур жой олган. Нақш элементларининг ўзаро жойлашувидан ҳосил бўлувчи нақш композициялари амалий санъат асарлариги чирой бағишлайди. Наққошликда композиция тузишнинг ўзига ҳос усуллари мавжуд бўлиб, ушбу нақш безаклари усталарнинг гўзаллик ҳақидаги тасавурларини намоён этади.

Халқ амалий санъати асарлари нафақат бугунимиз, балки келажак авлодларимизнинг ҳам бой маънавий мероси ва қадриятлари ҳамдир. Ёшларимизни ҳар тамонлама етук, ҳозирги замон талаб даражасига жавоб бера оладиган қилиб тарбиялаш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ҳозирда бу соҳада янги ўқув режалари, дастурлар, ўқув қўлланма ва дарсликларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ўқув методик қўлланманни ҳам шулар қаторига қиради деб биламиз. Қўлланма “Композиция” Фанн учун чоп этилган дастур мавзулари асосида ёзилди.

Қўлланма мавзуларини ўзлаштириб бориш баробарида талабалар теварак – атрофдаги, табиатда мавжуд бўлган шаклларга қўшимча ишлов бериш, яъни стилизациялаш орқали турли – туман нақш элементларни чизиш, ана шу нақш элементларидан композиция тузишни ўрганиб борадилар. Маълумки ҳар бир нақш намунаси ўзига ҳос нақш элементлари йиғиндисидан иборат. Талабалар машғулотлар жараёнида ана шундай нақш элементларининг намуналари билан яқиндан танишадилар, ундан намуналар чизишни машқ қиладилар. Қўлланма асосан талабаларга нақш элементлари ва улардан композициялар тузиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, амалий ишлар орқали мустақамланиб борилади.

Талабалар энг содда нақш элементларини ўзаро боғлаш, дастлабки нақш композицияларини чизар эканлар, улар композициянинг ўзига ҳос қонун – қоидаларининг ўрганиб борадилар. Бу ишни амалга ошириш учун талабалар кўпгина нақш элементларини ёдда саклашлари керак ва йўл – йўлақай керакли ўзгаришларни қиритиб бора оладиган бўлмоқлари лозим.

Композиция ишлаш жараёнида талабалар қуйидагиларни пухта ўзлаштириб олишлари зарур:

- Атроф – муҳит, табиатдаги мавжуд бўлган табиий шаклларни қайта ишлаш, яъни стилизациялаш йўлларини билишлари ва ундан самарали фойдалана олишлари зарур:

- Берилган нақш элементлари ёки намуналари асосида янги нақш композициясини чиза олишлари:

- Мустақил равишда янги нақш композициясини туза билишлари керак бўлади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган вазифаларни пухта ўзлаштирилиши талабаларнинг келажакда билимли, касб – ҳунар эгаси бўлиб етишишларида катта аҳамиятга эга.

Накқошлик санъати ҳақида

“Кўргузиб санъат ичра юз найранг,
Айлағайлар бу касрларни ранг.
Қилса не ранг ичинга накқош,
Тоши ҳам бўлғай ул сифат қоши.”

Алишер Навоий

Ўзбек миллий безак турларидан бири бўлган накқошлик санъати қадимдан халқимизнинг эътиборига сазовор бўлиб келмоқда. Самарқандаги Шердор, Улуғбек, Тиллақори мадрасалари, Гўри Амир, Шоҳи Зинда макбаралари, Улуғбек расадхонаси ва бошқа ноёб обидалар, Бухородаги Мир Араб, Улуғбек макбараси, Минораи калон, Хоразмдаги Исломуҳжа минораси, Термиздаги Ҳаким Термизий макбараси, Шахрисабздаги Оқ сарой, Тошкентдаги Кўкалдош ва тарихий обидалар ўзининг бетакрор нақш композициялари, сода ва гўзаллиги билан дунёга машхур

Бу каби мухташам бинолар ҳозиргача ўзининг мафтункор жилвасини йўқотмай, эндиликда янги давр жамиятига хизмат қилмоқда. Ҳар бир тарихий давр санъалари накқошлик санъатининг ривожланишига ўзининг салмоқли хиссасини қўшиб унинг янада кенгрок ривожланишига замин яратиб келган.

Халқ амалий санъати асарлари нафақат безакдорлиги чиройли шакллари, қадимийлиги ҳамда чуқур фалсафий, тарбиявий, рухий хусусиятлари билан ўзининг юксак қийматига эга. Нақш безаклари билан безатилган ноёб тарихий обидалар, турар жой бинолари ҳамда уй рўзғор буюмлари кишиларнинг халқ амалий санъатига бўлган муҳаббатини уйғотиб, борликдаги гўзалликларни сеза билишига ва улардан баҳра олишга ўргатади. Халқ амалий санъати асарлари чинакам гўзалликни идрок этишимиз, манавиятимиз ва ўзлигимизни чуқуррок англашимиз борасида ҳам бебаҳодир.

Нақш композициялари қадимда инсоният руҳини кўтариб келган. Бу хусусда машхур уста Ширин Муродов шундай деган эдилар “Нақш қирган уйга ғам-андух қирмайди”. Халқ усталарининг ҳар бир нақш композицияларига этибор берар эканмиз, нақш элементларининг раволиги, нисбати ва уйғунлигини кузатамиз.

Нақш-гул безак деган манони англатади. Нақшлар ўсимликсимон геометрик ва мураккаб деб аталувчи турларга бўлиниб ислимий, гирих,

гулли гирих (аралаш) каби ибораларда ҳам учрайди. Накш элементларини табиатда мавжуд бўлган ўсимлик хайвонот дунёси ва турли геометрик шакллارни стиллаштириб, қайта ишланган ҳолатидан чизилади. Накқошлик санъатининг ўзига хос мактаблари ва йўналишлари мавжуд. Тошкент Фаргона Хоразм ва Самарқанд сингари наққошлик йўналишларида ижод этиб келаётган халқ усталари ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ситки дилдан ўргатиб, миллий санъатиниз анъаналарини янада ривожлантириб келмоқдалар.

Наққошлик санъатининг асосий ва қийинроқ жараёнларидан бири нақш композицияларини тузишдир. Накш композициялари якка ва қўш бандли новдалар иштирокида тузилиб ўзининг ранг ва элементлари иштирокидаги рамзий маъно ва мазмунларини касб этади.

Нақш композицияларини тузишни ўрганишда оддийдан мураккабга қараб, ўрганилиб бориладн. Бошланғич мустақил нақш композициялари тузишда йўл ичи, тўғри тўртбурчак ва доира шаклдаги нақшлар тузиб ўрганилади. Накш санъатини ўрганишда ранг туслари, рангшунослик билимларини ҳам ўзлаштирилиб борилади. Композицияларини якуний босқичлари ҳисобланмиш пардозлаш ва локлаш ишлари ҳам кишидан малака ва билимли бўлишни талаб этади.

Нақш турлари ва унинг ўзига хослиги

Нақш композициялари ўзини рамзий маънолари, табиий шакл ва ранглар гўзаллиги билан халқ амалий санъати асарларига жозиба ва қўрк бағишлайди.

Нақшлар бино, уй рўзгор ва бошқа турдаги жихозларга ишланшидан қатъий назар, ўзига хос услуб ва мазмунга эга бўлади.

Накиш сўзи арабча – тасвир, гул деган маънони англатади. У табиатда учровчи ўсимлик, хайвонот дунёси ва турли геометрик шаклларнинг энг сода кўринишларида такрорланиб келувчи тасвири яъни безакдир.

Ўзбек халқ амалий санъатининг барча турлари, жумладан наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кабилар учун нақш элементларининг чизилиши ўхшаш кўринсада, бажарилиш технологияси ва пардозлаш усуллари турличадир. Масалан: Ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлигида нақшлар ўйиб, наққошликда чизиб, каштачиликда чок ёрдамида, мисгарликда зарб билан, зардўзликда кадаб ва шунга ўхшаш усуллар ёрдамида нақш солинади. Накш ўсимликсимон геометрик. мураккаб деб аталувчи турларга бўлинади:

1) *Ўсимликсимон* (ислимий, югурувчи) нақшлар асосан гул новда куртак, барг, гунча каби элементларнинг ўзаро маълум тартибда боғланиб тузилишидир.